

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК:

664.924.01

ХОЖИЕВ ШЕРАЛИ ҚОДИРАЛИ ЎҒЛИ

**Жаҳон нефть бозорида трансформация жараёнини
ўзгаришларининг ривожланиш тенденциялари**

**5A231101 – “Жаҳон иқтисодиёти (минтақалар ва фаолият турлари
бўйича)” мутахассислиги бўйича**

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:

PhD Каххаров А.Ж.

Тошкент – 2021

Ўзбек тилида қисқача аннотация

Ушбу диссертация ишида жаҳон нефть бозори шаклланиши таҳлил нефть бозоридаги трансформациялар жараёнларининг ривожланиш тенденциялари, нефть саноати ва нефть савдоси билан боғлиқ халқаро иқтисодий жараёнлар чуқур ўрганилган ва таҳлил килинган. Шунингдек нефть бозорида юз бераётган бугунги муҳим жараёнларнинг илмий-амали аҳамияти очиқ берилган ҳамда илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Инглиз тилида қисқача аннотация

This dissertation provides an in-depth analysis of the formation of the world oil market, trends in the development of transformation processes in the oil market, international economic processes associated with oil and oil trade. It is also developed with the proposal and recommendations of the scientific application which reveals the scientific and practical significance of today's important processes taking place in the oil market.

Магистрлик диссертация иши “Жаҳон иқтисодиёти” кафедраси дастлабки ҳимоядан ўтган. ____ - сонли баённома “____” _____ 2020 й.

Илмий раҳбар: PhD Каххаров А.Ж.


ИМЗО

сана

Магистр: Хожиев Ш.К.


ИМЗО

21.06.
сана

“Ҳимояга тавсия этилади”
“Жаҳон иқтисодиёти” кафедраси
муdiri доц. Н.С.Исмаилова _____
“____” июн 2021 йил

Ҳимоя 2021 йил “30” 06 соат 14:00 да Тошкент дав
иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	3
I БОБ. ЖАҲОН НЕФТЬ БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА НЕФТЬ САНОАТИДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	8
1.1. Жаҳон нефть бозорининг шаклланиши ва нефть савдосининг ривожланиши жараёнлари	8
1.2. Жаҳон нефть бозорининг халқаро иқтисодий муносабатлардаги ўрни ва аҳамияти	19
1.3. Жаҳон иқтисодиётида экспорт ва халқаро капитал оқимининг боғлиқлиги ва экспортни рағбатлантириш бўйича хорижий тажрибалар.....	29
Биринчи бобга қисқа хулоса	40
II БОБ. ЖАҲОН НЕФТЬ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ВА ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИ МАМЛАКАТЛАРДА НЕФТЬ САНОАТИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ЖАРАЁНЛАРИ ҲАМДА ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ	42
2.1. Йирик нефть ишлаб чиқарувчи мамлакатларда нефть саноатининг ривожланиши ва янги трансформация жараёнлари	42
2.2. ОПЕК ва унинг жаҳон нефть бозорини ривожланиши, нефть нархи барқарорлигидаги ўрни	63
2.3. Ўзбекистонда нефть саноатини ривожлантириш масалаларида жаҳон нефть бозорига интеграцияси.....	69
Иккинчи бобга қисқа хулоса	80
III БОБ. НЕФТЬ ВА НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА НЕФТЬ БОЗОРИДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ	81
3.1. Нефть нархи барқарорлиги ҳамда мавжуд трансформация жараёнларининг таҳлили.....	81
3.2. Нефть бозоридаги барқарорлик ва нефть нархининг ўзгарувчанлигининг бозордаги трансформациялар боғлиқлиги масалалари.....	89 99
3.3. Ўзбекистонда нефть бозори самарадорлигини таъминлашда нефть нархининг барқарорлиги ҳамда зарурий трансформациялар таҳлили	
Учинчи бобга қисқа хулоса	
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	101
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	106

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Бугунги жаҳон ҳўжалигида нефть саноати ва нефть бозорининг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, дунё саноатидаги иқтисодий кўлами ва даромадлилик бўйича энг йирик саноат соҳаси айнан нефть саноатига тўғри келади. Шундай экан, нефть бозорини таҳлил қилиш, нефть нархининг ўзгариши билан боғлиқ бўладиган иқтисодий жараёнлар ҳамда нефть маҳсулотларига бўлган талаб ва таклиф муносабатларини тадқиқ этиш долзарб мавзулардан бири ҳисобланади.

Халқаро тадқиқот ташкилотлари маълумотларига кўра, яқин бир неча ўн йиллик даврда нефть бозорида сезиларли трансформация жараёнлари юз бериши башорат қилинмоқда. Ушбу жараёнлар, ўзгариб бораётган янги технологик янгиликлар ҳамда илмий кашфиётларнинг хиссаси билан тавсифланади. Нефтнинг қачондир тугашини билишимиз, бизнинг бугун бошқа энергия манбалари устида тадқиқотлар олиб боришимизга бирламчи сабаб ҳисобланади. Бундан ташқари, иқлим ўзгариши билан боғлиқ жиддий атроф-муҳит муҳофазаси масаласи ҳам нефть бозорини тартибга солиш ва саноатни тоза кўринишга келтиришни тақозо этади.

Бироқ, жаҳон иқтисодиёти айнан нефть қазилмаларининг саноатга келтирган таъсири туфайли бугунги даражага етиб келди дейишимиз мумкин.

Нефть нархининг ўзгаришини тушуниш истеъмолчилар, фирмалар ва иқтисодчилар учун муҳимдир, чунки нефть нархининг ўзгариши глобал иқтисодиётнинг барча сегментлари бўйича иқтисодий қарорларга таъсир қилади. Бироқ, талаб ва таклифнинг кутилмаган ўзгариши туфайли нефть нархининг ўзгаришини доимий амалга ошадиган жараён эмаслигини таъкидлаш лозим.

Амалий тажрибаларга кўра, нефть нархи фақат унинг детерминантлари сингари олдиндан тахмин қилинадиган интрумент ҳисобланади, демак, ўтган нефть нархлари тебранишларининг детерминантларини яхшироқ аниқлаш ва